

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**  
**“ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”**  
**халқаро илмий-амалий анжумани**  
**АХБОРОТ ХАТИ**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўзининг стратегик илмий-тадқиқот йўналиши бўлган “Педагогик таълим инновацион кластери” дастурининг илмий-назарий асосларини ёритиш, амалиётга жорий этиш, таълим муассасаларида таълим жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш, ҳамда ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш мақсадида институтда 2021 йил 25-26 июнь кунлари **“Педагогик таълим кластери: муаммо ва ечимлар”** мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилади.

Ушбу халқаро илмий-амалий анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги **“Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 213-сонли қарори ва институт ректорининг 2021 йил 3 апрелдаги институтда “Педагогик таълим инновацион кластери Маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги №01-118-сонли буйруғи асосида ташкил этилмоқда.

Мазкур халқаро илмий-амалий анжуманда мутахассис олимлар, шу соҳада изланишлар олиб бораётган таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари докторантлар, тадқиқотчилар, магистрантлар ва талабалар иштирок этишлари мумкин.

Халқаро илмий-амалий анжуман қуйидаги йўналишларда иш олиб боради:

1. *Педагогик таълим инновацион кластери: зарурат, эҳтиёж, натижа*
2. *Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: инновация ва интеграция*
3. *Келажак ўқитувчиси концепцияси: ҳаётий вазиятларга мослашиш талаблари*
4. *Таълим мазмунига қўйилаётган замонавий талаблар: халқаро баҳолаш дастурлари (PISA, PIRLS) асосида.*

Халқаро илмий-амалий анжуманга тақдим этилаётган илмий тезисларга қўйиладиган талаблар ва расмийлаштириш тартиби:

- тезислар ҳажми 2 бет (Тезис ҳажми 2 бетдан кўп бўлмаслиги шарт). Microsoft Word, Times New Romanда 12 шрифтда, 1,0 интервалда, чап томондан 2 см, ўнг томондан 1,0 см, юқори ва паст томондан 1,0 см қолдирилган ҳолда ёзилади. Файл номлари муаллифнинг фамилияси билан номланади.

- тезис мавзуси бош ҳарфларда (12 шрифтда) ўртага ёзилиб, кейинги сатрда муаллиф(лар) исми-шарифи, иш жойи ёзилади. Ундан 1,0 интервал пастда хат бошидан тезис матни ёзилади;

- барча иқтибослар квадрат қавсда берилади [3;112];

- фойдаланилган адабиётлар тезис ёки мақола охирида алфавит тартибида келтирилади;

Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари электрон шаклда 2021 йил 15 июнгача қадар (+998937246406, Умид Ходжамкулов) телефон рақамига телеграм орқали қабул қилинади. Ташкилий қўмита келиб тушган материалларни танлаб олиш ҳуқуқига эга. Матннинг таҳририй жиҳатларига муаллиф масъулдир.

Мурожаат учун: +998931603024, +998911655645

**Ташкилий қўмита манзили:** Чирчиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, 4-уй.